

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири ўринбосари

Ш. Ходжаев

“ ” январь 2022 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси ўринбосари

Б. Уматов

“ ” январь 2022 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

“Ўзэнергоспекция” бошлиғи

У. Эгамбердиев

“ ” январь 2022 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазири ўринбосари

Қ. Турсунов

“ ” январь 2022 йил

НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

**ИССИҚ СУВ КЎРИНИШИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН
ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА**

20 __ й. “ ” -сонли

(Худуд номи)

(кейинги ўринларда “Иссиқлик таъминоти корхонаси”

(корхона номи)

деб аталади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи
рахбари _____ бир томондан,

(лавозими, Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади)

(корхона номи)

рахбари _____ иккинчи томондан,

(лавозими, Ф.И.Ш.)

қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Иссиқлик таъминоти корхонаси иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришни, Истеъмолчи эса иссиқлик энергиясидан фойдаланиш ва фойдаланган иссиқлик энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Томонлар ушбу шартномани бажаришдаги фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га (кейинги ўринларда “Қоидалар” деб аталади) ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан юритадилар.

1.3. Шартноманинг умумий қиймати _____ сўм

Шу жумладан _____ бюджет маблағидан, _____ бюджетдан ташқари маблағдан.

II. УЗАТИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ

2.1. Иссиқлик таъминоти корхонаси Истеъмолчига 20__ йил “__” _____ кунидан 20__ йил “__” _____ кунигача бўлган даврда __ Гкал/соат миқдорида энг катта иссиқлик юкламаси билан иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур, бунда:

а) технологик эҳтиёжлар учун __ Гкал/соат;

б) иссиқ сув таъминоти учун __ Гкал/соат;

в) хоналарни иситиш учун __ Гкал/соат, ташқи атроф муҳит ҳаво ҳарорати _____ °С бўлганда;

г) хоналарни шамоллатиш учун __ Гкал/соат, ташқи атроф муҳит ҳаво ҳарорати _____ °С бўлганда;

2.2. Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан Истеъмолчига хоналарни иситиш ва шамоллатиш учун етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдори ташқи атроф муҳит ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда белгиланади, иссиқ сув таъминоти ва технологик эҳтиёжлар учун эса суткалик истеъмол графиги асосида белгиланиб, у Истеъмолчи томонидан лимитланган ҳолда чораклар ва ойлар кесимида тақдим этилади, Иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишилади ва чораклар бўйича қуйидагича тақсимланади:

Давр	Иссиқлик энергияси миқдори Гкал			Етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдори Гкал.	Бир суткада етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдори Гкал.
	Технологик эҳтиёж	Иситиш ва шамоллатиш	Иссиқ сув таъминоти		
1	2	3	4	5	6
I чорак					
Январь					
Февраль					
Март					
II чорак					
Апрель					
Май					
Июнь					
III чорак					
Июль					
Август					
Сентябрь					
IV чорак					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Иссиқлик таъминоти корхонаси иситиш мавсумида узатиладиган тармоқ сувининг суткалик ўртача ҳароратини ҳарорат графигига асосан _____ °С ҳароратда ушлаб туришни таъминлайди, иссиқлик берувчи

(ҳарорат графиги кўрсатилсин)

кувурда сув ҳарорати бўйича четга чиқиш (\pm) 3% дан ортиқ, иссиқлик узатувчи кувурда сувнинг босими бўйича _____ (\pm) 5% дан ортиқ пасайиб кетишга йўл қўймаслик керак.

Ёз даврида эса узатиладиган тармоқ сувининг суткалик ўртача ҳароратини

_____ °C, ҳароратда, сув ҳарорати бўйича четга чиқиш (\pm) 3% дан
(ҳарорат кўрсатилсин)
 ортиқ, сувнинг босими бўйича _____ (\pm) 5% дан ортиқ бўлмаслиги керак.
(босими кўрсатилсин)

2.3. Истеъмолчи куйидагиларга риоя қилиши керак:

- а) иссиқлик тармоғи сувининг сарфи ҳисобланган миқдори _____ м³/соатдан;
- б) иссиқлик тармоғидан келаётган сувнинг максимал миқдори _____ м³/соатдан;
- в) иссиқлик тармоғи сувининг йўқотилиш миқдори _____ м³/соатдан;
- г) қайтарилаётган тармоқ сувининг ўртача ҳарорати ҳарорат графигидаги миқдорга нисбатан 3°C дан ошмаслиги керак.

Тармоқ сувининг максимал миқдори Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан ростлагич ёки сурилувчи клапан ёрдамида ўрнатилади. Элеватордаги сиқувчи қурилмани алмаштириш Иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишилган ҳолда бажарилади.

III. ҲИСОБ –КИТОБ ТАРТИБИ ВА ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ НАРХИ

3.1. Иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб даври 1 ой қилиб белгиланади.

3.2. Истеъмолчи иссиқлик таъминоти корхонасига кейинги ой учун зарурий иссиқлик энергияси учун 70 фоиз олдиндан тўловни амалга оширади, қолган 30 фоиз тўловни кейинги ойнинг 15 санасига қадар амалга оширади, белгиланган муддатда тўлов қилинмаса Истеъмолчи иситиш тизимидан ўчирилади.

3.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган иссиқлик миқдори ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичи бўйича аниқланади _____,
 ўрнатилган

(типи, номи, ҳисобга олиш номер)

(ўрнатилган жойи)

3.4. Иссиқлик таъминоти корхонаси объектларида ўрнатиладиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари Истеъмолчи маблағи ҳисобидан олинади, ўрнатилади ва давлат қиёслашидан ўтказилади, кейинчалик Истеъмолчи истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларида қайд этилган кўрсаткичларни ҳар ойда Иссиқлик таъминоти корхонасига ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тақдим этади.

Истеъмолчида ўрнатилган приборлар Истеъмолчининг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси шартномага биноан исталган вақтда мазкур ҳисобга олиш приборларини кўздан кечириши, текшириши ва ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичларни олиш ҳуқуқига эга.

3.5. Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охириги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. Истеъмолчининг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборлари таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охириги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхтатилганда эса – ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчи ҳисобга олиш приборини таъмирлаши тугагунча иссиқлик энергияси олишни тўхтатишга ҳақли, бу ҳолда Иссиқлик таъминоти корхонаси задвижкани

пломбалайди ва бу ҳақда Истеъмолчи билан биргаликда далолатнома тузилади.

3.6. Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби ёки иссиқлик энергияси йўқотишларининг синовини иссиқлик таъминоти корхонаси Истеъмолчи билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 июнда 1687-сон билан давлат рўйхатиغا олинган “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юктамаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ амалга оширади.

Иссиқлик энергияси берилишини ҳисобга олиш иссиқлик таъминоти корхонаси ва Истеъмолчининг иссиқлик тармоқларининг бўлиниш чегарасида амалга оширилиши керак. Иссиқлик таъминоти корхонаси айби билан пайдо бўлган йўқотишлар учун Истеъмолчи ҳақ тўламайди.

3.7. Тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотилиши Истеъмолчи томонидан куйидаги ҳолларда шартномавий келишилган нархларда тўланади:

иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлиқ йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

Истеъмолчи тармоғини унинг буюртманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага киради;

Истеъмолчидан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоришмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиган тармоқ сувини сиздириш;

Иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари учун истеъмолчи томонидан ҳақ тўланмайди.

3.8. Иссиқлик таъминоти корхонаси ва Истеъмолчи иссиқлик тармоқлари баланс мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб беришдаги сарф ва йўқотишлар тарифларда ҳисобга олинади ва тарифдан ортиқча тўловга йўл қўйилмайди.

3.9. Баланс мансублиги бўлиниш чегарасидан кейинги ҳамма сарф ва йўқотишлар Истеъмолчига тааллуққидир. Агар иссиқ сув Истеъмолчи иссиқлик тармоғи орқали узатилаётган бўлса иссиқлик энергияси миқдори электр станция коллекторидаги ҳисобга олиш прибори кўрсатиши бўйича аниқланади.

3.10. Истеъмолчи ҳар ойда ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини олади ва ҳар ойнинг _____ санасигача Иссиқлик таъминоти корхонасига истеъмол қилинган
(сана кўрсатилсин)
иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот беради.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаса иссиқлик таъминоти корхонаси ҳисоб-китобни шартномадаги иссиқлик юктамаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси миқдорининг қайта ҳисоб-китоби, соз ҳолатдаги ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин бажарилади. Мазкур қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисобот даври учун ҳисоб-китобда эътиборга олинади.

Истеъмолчи томонидан иссиқлик энергияси ҳақида ҳисобот тақдим қилингандан сўнг Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан Истеъмолчи билан бирга ҳисобга олиш кўрсаткичлари ва амалдаги иссиқлик энергияси истеъмоли бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у эса етказиб бериладиган ва истеъмол қилинган энергияни ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати ҳисобланади. Ҳисобга олиш

приборларининг кўрсаткичлари тақдим қилинганда, ҳисобот у бўйича бир томонлама тартибда тузилади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ўрнатилган формада ҳисоб-китобини қилади (5-илова) шунингдек, ҳисоб-фактура ёзади ва Истеъмолчига беради.

Истеъмолчи мазкур ҳисоб фактурасини унга хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисоб рақамидан Иссиқлик таъминоти корхонасига ҳисобот оёи учун тўловларни амалга оширади.

3.11. Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш прибори кўрсаткичида хатолик аниқланган тақдирда, Истеъмолчи Иссиқлик таъминоти корхонасига 7 кунлик муддатда (ёзма, электрон) хабарнома юбориши лозим.

Ҳисобга олиш приборини текшириш ҳақида хабарнома юборилиши Истеъмолчини истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун белгиланган муддатда тўловларни амалга оширишдан озод қилмайди.

3.12. Етказиб берган иссиқлик энергияси учун Истеъмолчи Иссиқлик таъминоти корхонасига 1 Гкал учун _____ сўм тарифи бўйича тўлайди.
(нархи)

Тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш прибори кўрсаткичи бўйича аниқланади. Чеклаш вақти Иссиқлик таъминоти корхонаси диспетчерлик хизматининг оператив китобидаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан истеъмолчининг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадан олдинги 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.13. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда Иссиқлик таъминоти корхонаси охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, Истеъмолчининг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилади.

Йўл қўйилган хатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоблаш охириги ҳисобот даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини расмийлаштирилаётганда ҳисобга олинади.

3.14. 40°C - 45°C ҳароратли иссиқлик энергияси истеъмолчига иссиқ сув кўринишида етказиб берилганда ҳисоб-китоб иссиқ сув тарифи бўйича 50 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

Сув олиш нуқтасида ҳарорат 40°Cдан паст бўлган иссиқ сув берилишининг ҳар бир соати учун ҳисоб-китоб даври давомида жами истеъмол қилинган сув учун тўлов ичимлик сув таъминоти хизматлари учун истеъмолчиларнинг тегишли гуруҳлари учун тариф бўйича амалга оширилади.

3.15. Иссиқлик энергияси таъминоти хизматларига тарифлар ўзгарганда, санадан қатъи назар, иссиқлик таъминоти шартномаси кучида қолади ва Истеъмолчи фойдаланилган иссиқлик таъминоти хизматларига улар жорий этилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлашга мажбур. Етказиб берувчи тариф ўзгаришидан ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситаларида тегишли хабарни эълон қилиш йўли билан тарифлар ўзгариши тўғрисида Истеъмолчиларни хабардор қилиши шарт.

Истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти хизматларига аванс тўланганда

Етказиб берувчи иситиш ва иссиқ сув таъминотига тўлов пайтида амалда бўлган тарифлар бўйича тўлов ҳисобланади (аванс тўловлар муддатига, бироқ ўн икки ойдан ортиққа эмас).

3.16. Иссиқлик таъминоти корхонаси айби билан пайдо бўлган йўқотишлар учун Истеъмолчи ҳақ тўламайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага асосан Иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб беришни талаб қилиш;

б) иссиқлик энергияси етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий қийматлардан четга чиқишига йўл қўймаслик:

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича - (\pm) 3 фоиздан ортиқ;

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича - (\pm) 5 фоиздан ортиқ;

орқага қайтадиган қувурда сувнинг босими бўйича - (\pm) 20 кПа дан ортиқ четга чиқишга йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида олинади;

в) Қоидаларга биноан ўз иссиқлик тармоғига субистеъмолчиларни улаш;

г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан пасайганда, бу ҳақда иссиқлик таъминоти корхонасига олдиндан хабар берган ҳолда, иссиқлик энергияси истеъмолини тўхтатиш. Ушбу ҳолда иссиқлик таъминоти корхонаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчи олдида жавоб беради.

4.2. Истеъмолчининг мажбурияти:

а) “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари”га, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари”га, шунингдек “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га риоя қилиш керак;

б) фойдаланилган иссиқлик энергияси учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириш;

в) Иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишмасдан иссиқлик энергияси бир соатлик юкламаларининг шартномавий миқдорини оширмаслик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ сувининг олиниши миқдорини оширмаслик;

г) иссиқлик истеъмоли режимига нисбатан иссиқлик таъминоти корхонасининг тезкор кўрсатмаларини бажариш;

д) тармоқ сувини шартномада белгиланган миқдорда, сифатда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

е) иссиқликдан фойдаланиш қурилмалари ва иссиқлик тармоғини, иссиқликни ҳисобга олиш приборларини, қувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

ж) иссиқлик энергияси истеъмолини вақтинчалик тўхтатиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини Иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишиш;

з) ҳисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тўкиш учун жўмрақлар, торайтирувчи қурилмалар ва арматурани Иссиқлик таъминоти корхонасининг вакили билан биргаликда пломбалаш, ўрнатилган пломбаларнинг сақланишини таъминлаш.

Пломбаларни олиш Иссиқлик таъминоти корхонасининг рухсати билан амалга оширилиши лозим;

и) Иссиқлик таъминоти корхонаси вакилига сутканинг ҳар қандай вақтида тўсиксиз ҳисоблаш приборларини текшириш имконини бериш;

к) иссиқлик энергиясидан нооқилона ва исрофгарчилик билан фойдаланишга йўл қўймаслик;

л) иссиқлик тармоқлари устидан иморатлар қурилишига, материаллар тахланишига, дарахтлар ўтказилишига йўл қўймаслик;

м) Иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, муҳандислик ускуналарини ва қурилмаларни қайта жиҳозлашга йўл қўймаслик;

н) иситиш приборларининг қўшимча секциялари, беркитиш ва бошқариш арматуралари ўрнатилишига ва чиқариб олинишига йўл қўймаслик;

о) иситиш тизими иссиқлик тармоғидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик (иситиш тизими ва приборлардан сувни тўкиш);

п) Истеъмолчи Иссиқлик таъминоти корхонасининг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдиндан келишилган ҳолда амалга ошириладиган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун Иссиқлик таъминоти корхонасининг вакиллари ўз худудига киритиши;

р) барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ижро чизмалари ва паспортларига ҳамда эксплуатация қилиш йўриқномаларига эга бўлиш;

с) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёрланган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

т) Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан берилган техник шартларни бажариш.

4.3. Истеъмолчи ушбу шартномани ўз ихтиёри билан имзолайди.

4.4. Иссиқлик таъминоти корхонаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Иссиқлик таъминоти корхонаси қуйидаги ҳолатларда иссиқлик энергиясини Истеъмолчига узатишни, унга сабабларини маълум қилган ҳолда, тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

а) иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатларида ўрнатилган муддатларда тўловни амалга оширилмаганлиги ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида ўрнатилган муддатларда олдиндан тўловни амалга оширилмаганлиги учун;

б) субистеъмолчилар, янги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчалик билан уланганда;

в) иссиқлик қурилмалари ва иссиқлик тармоқларини Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қошидаги Электр энергетикада назорат бўйича инспекциянинг (Ўзэнергоинспекция) рухсатсиз ишга туширилишида;

г) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ҳисобга олиш приборларидан олдин уланганда;

д) иссиқлик юкламалари ўрнатилган шартномавий миқдоридан ёки тармоқдаги сув сарфининг миқдори Иссиқлик таъминоти ташкилотининг рухсатсиз оширилганда;

е) бир соатда олинадиган тармоқ сувининг миқдори ушбу шартномада қайд этилган миқдордан оширилганда;

ж) тармоқдаги сув ифлосланганда;

з) Иссиқлик таъминоти корхонасининг вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўриқдан ўтказишга қўйилмаганда.

4.4.2. Ишончлилиқ талабларини ҳисобга олган ҳолда Истеъмолчилар захира иссиқлик таъминоти манбаларини техник шартлар асосида амалга оширади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси иситиш даври тугашидан 10 кун кейин ва иситиш даври бошланишидан 10 кун олдин иссиқ сув узатилишини тўлиқ ўчирган ҳолда режавий профилактика ишларини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Иссиқлик энергиясини узатишда танаффуснинг аниқ санасини (куни ва соатларини) келишиш учун Истеъмолчига иссиқлик энергияси узатилишини тўхтатилиши ҳақида 10 кун олдин хабар берилади. Агар Истеъмолчи томонидан 5 кун давомида иссиқлик энергияси узатилишининг тўхтатилишида танаффус вақти келишилмаса, Иссиқлик таъминоти корхонаси ушбу вақтни мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Иссиқлик энергиясини узатишдаги танаффус иш вақтидан ташқари вақтда, Истеъмолчига камида 24 соат олдин хабар берган ҳолда, амалга оширилиши лозим.

4.4.3 Аварияларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш учун Иссиқлик таъминоти корхонаси, иссиқлик энергияси узатилишини тўхтатиш сабаблари ҳақида Истеъмолчига дарҳол маълум қилган ҳолда, иссиқлик энергияси узатилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

4.5. Иссиқлик таъминоти корхонасининг мажбуриятлари:

а) иссиқлик энергиясини Истеъмолчига ушбу шартномага мувофиқ узлуксиз узатилишини таъминлаш;

б) Иссиқлик таъминоти корхонаси объектида ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг кўрсатмалари тўғрилиги юзасидан Истеъмолчида шубҳа пайдо бўлганда, Иссиқлик таъминоти корхонаси сутканинг исталган вақтида Истеъмолчи вакиллари томонидан ўрнатилган тартибда иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг кўриқдан ўтказилишини таъминлаши лозим;

в) иссиқлик тармоқларининг мансублик чегарасида иссиқ сув параметрларини шартномага мувофиқлигини таъминлаши, яъни уларни қуйидагилардан кўпроқ оғишларига йўл қўймаслиги лозим:

иссиқлик узатиш қувуридаги сувнинг ҳарорати бўйича – (\pm) 3 фоиздан кўпроқ;
сувнинг босими бўйича:

иссиқ сувни узатиш қувурида – (\pm) 5 фоиздан кўпроқ;

орқага қайтадиган қувурда — (\pm) 20 кПа дан ортиқ четга чиқишига йўл қўймаслик.

Бунда параметрлар ўртача суткалик қийматлар сифатида ҳисобга олинади;

г) Иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан Истеъмолчига тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш. Тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг ҳажми Истеъмолчининг вакили иштирокида Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;

д) Истеъмолчининг иссиқлик энергиясини тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметрларининг шартномавий миқдорга нисбатан камайтирилганлиги ҳақидаги ёзма аризаларини 10 кунлик муддатда кўриб чиқиш;

е) “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари”га, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари”га, шунингдек, “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га риоя қилиш.

V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Иссиқлик таъминотида Иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан узилишлар пайдо бўлганда, Иссиқлик таъминоти корхонаси Истеъмолчига иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаб беради.

5.2. Иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктирилганда, иссиқлик энергияси иссиқ сув кўринишида тўла ҳажмда етказиб берилмаганда, Иссиқлик таъминоти корхонаси Истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган мажбуриятлар қисмидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматининг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

Пенянинг тўланиши шартномавий мажбуриятларни бузган томонни, иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларининг кечиктирилиши ёки иссиқлик энергиясини тўла ҳажмда етказиб берилмаслиги оқибатида етказилган зарурни қоплаш мажбуриятидани озод қилмайди.

5.3. Иссиқ сув кўринишида етказиб берилган иссиқлик энергияси қиймати учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда, Истеъмолчи ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, аммо унинг миқдори муддати кечиктирилган тўловнинг 50 фоиз дан ошмаслиги керак.

5.4. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва уни амал қилиш муддатининг тугаши Иссиқлик таъминоти корхонасини ва Истеъмолчини етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

5.5. Иссиқлик тармоқларининг ҳолати бўйича иссиқлик истеъмоли ва уларга хизмат кўрсатиш объектларининг жавобгарлик чегараси иссиқлик тармоқларининг балансга мансублик чегараси ва уларни эксплуатация қилиш бўйича жавобгарлик чегараси далолатномаси (1-илова) билан белгиланади.

5.6. Иссиқлик таъминоти корхонаси иситиш тизимини ёқишда сувни циркуляция ва иссиқ сув таъминоти учун бир қувурдан бошқа қувурга ўтказиш билан боғлиқ бўлган тармоқ суви сифатининг (шаффофлиги, ранги ва ҳиди) вақтинчалик ўзгариши учун жавобгарлик олиб бормайди.

5.7. Иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки уларни эксплуатация қилиш қоидаларининг бошқа хил бузиш ҳолатлари, иссиқ сувни ҳисобга олиш приборларини қасддан бузиш ёки бундай приборларнинг кўрсатмаларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикаси Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 185²-моддасига асосан жиноий жавобгарликка олиб келади.

VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

6.2. Истеъмолчи Иссиқлик таъминоти корхонасига мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, Иссиқлик таъминоти корхонасининг коррупцияга қарши

амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Иссиқлик таъминоти корхонаси қўйидаги ҳолатларда томонлар иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) Иссиқлик таъминоти корхонаси ускуналарининг ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий ходисалар: момақалдирик, бўрон, сув тошқини, зилзила, ёнғин, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойиҳалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°C га ва ундан ортиқ паст бўлган ҳароратда ҳавонинг узок вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;

б) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургоқчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатларда.

7.2. Иссиқлик таъминоти корхонаси тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дархол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

7.3. Агар мазкур шартноманинг 7.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва _____ 20 _____ йилдан, _____ 20 _____ йилгача амал қилади.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Ушбу Шартнома ва унинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

8.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Томонлар низоларни иложи борича ўзаро келишув йўли билан ҳал қиладилар. Келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тааллуқлилиги бўйича тегишли суд томонидан ҳал қилинади.

9.2. Ушбу Шартнома талабларида назарда тутилган ва тутилмаган ҳолатлар бўйича низолар келиб чиққан тақдирда конунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ тартибга солинади.

Х. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

10.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади:

а) Иссиқлик таъминоти корхонаси ва Истеъмолчи ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансга мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова);

б) Истеъмолчининг ваколатланган масъул шахсини тайинлаш тўғрисидаги ишончнома (2-илова);

в) Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун қилинадиган ҳисоб китоблар – счёт фактура (3-илова);

г) Иссиқлик энергиясининг ҳисобга олиш кўрсаткичлари бўйича ҳисоботи (4-илова);

д) Йиситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг харорат жадвали (5-илова).

ХІ. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ТАЪМИНОТЧИ”	“ИСТЕЪМОЛЧИ”
“Иссиқлик таъминоти корхонаси” номи _____	“Истеъмолчи” номи _____
Почта манзили: _____	Почта манзили: _____
Ҳисоб рақами: _____	Ҳисоб рақами: _____
Банк коди (МФО) _____	Банк коди (МФО) _____
СТИР (ИНН) _____	СТИР (ИНН) _____
Корхонанинг коди:	Корхонанинг коди:
1. КТУТ (ОКПО) бўйича корхонанинг коди _____	1. КТУТ (ОКПО) бўйича корхонанинг коди _____
2. МХОБТ (СОАТО) бўйича ўрнашган жойи коди _____	2. МХОБТ (СОАТО) бўйича ўрнашган жойи коди _____
3. МШТ (КФС) бўйича мулк шакли коди _____	3. МШТ (КФС) бўйича мулк шакли коди _____
4. ТХШТ (КОПФ) бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакли коди _____	4. ТХШТ (КОПФ) бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакли коди _____
5. ХХТУТ(ОКОНХ) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди _____	5. ХХТУТ(ОКОНХ) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди _____
6. Тел./факс _____	6. Вазирлик (муассаса) номи _____
	7. Тармоқларнинг номи _____
	8. Жорий вақтдаги тарифлар _____ сўм.
	9. Истеъмолчининг тариф гуруҳи _____ сўм
Имзо _____	“Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилот томонидан тўлдирилиши зарур”
Мухр ўрни.	10. Ғаз./ҳис ¹ _____
	11. Шах/ҳис ² _____
	12. Шах/ҳис/ғаз ³ _____

	<p>13. Ғазначилик бўлими номи _____</p> <p>14. Тел./факс _____</p> <p>Изоҳ: Томонлар, ушбу бандда кўрсатилган (корхонанинг номи, манзили, ҳисоб рақами ва хоказо) маълумотларга ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида ўз вақтида огохлантиришга мажбурдирлар.</p> <p>Имзо _____</p> <p>Мухр ўрни</p>
--	--

Изоҳ: ғазна./қис¹ - тегишли ғазна рақами кўрсатилади.

шахсий/ҳис² - бюджет маблағи олувчининг (ёки шахсий ҳисоблари) тегишли ҳисоб-рақами кўрсатилади

шахсий/ҳисоби/рақами³ - ғазнадаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ҳисоб-рақами кўрсатилади ёки олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилинадиган депозит рақами кўрсатилади.

Ҳуқуқшунос хулосаси:

*Шартноманинг намунавий шакли
бўлиши билан таллаш оқибатида шундай қилинган
бўлиб, уни ўзгартириш бўйича таллашлар мажбур
ҳисоб.*

К. Арслонбеков (имзо)
(Ф.И.Ш.)

**Иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик
энергиясидан фойдаланиш тўғрисида
шартномага
1-илова**

Истеъмолчи ва Иссиқлик таъминоти корхонаси ўртасида иссиқлик тармоқларининг
баланс мансублиги бўйича бўлиниш чегарасини белгилаш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 ____ й. “ ____ ” _____ - сон _____ шаҳар (туман)

Биз, қуйида имзо чекувчилар Иссиқлик таъминоти корхонаси вакили
_____ ва Истеъмолчи вакили

_____ (корхона номи, фамилия, исми, шарифи)

_____ мазкур далолатномани шу ҳақида

туздикки,

_____ (корхона номи, фамилия, исми, шарифи)

Истеъмолчи объектларидаги _____ иссиқлик таъминоти
_____ (истеъмолчининг объекти номи)

тизимлари хизмат кўрсатишнинг бўлиниш чегарасидир, бўлиниш чегарасидаги ёпиш
арматуралари Истеъмолчи тасарруфидаги бўлиб, унинг ходимлари томонидан хизмат
кўрсатилади.

Т/р	Объектнинг манзили	Объектнинг манзил рақами	Жавобгарлик ва хизмат кўрсатишнинг бўлиниш чегараси

Иссиқлик таъминоти тизимларига иссиқлик тешувчи йўналишида _____ гача
_____ (рақам)

Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан хизмат кўрсатилади, ундан кейин эса
“Истеъмолчи” томонидан хизмат кўрсатилади ва таъмирланади.

Иссиқлик таъминоти корхонасининг ходими

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Истеъмолчининг ходими

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

**Иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик
энергиясидан фойдаланиш тўғрисида
шартномага
2-илова**

Истеъмолчининг ваколатланган масъул шахси тайинланганлиги тўғрисидаги

И Ш О Н Ч Н О М А

20 ____ й. “ ____ ” _____ - сон _____ шаҳар (туман)

Истеъмолчи _____
(корхона тўлиқ номи)

т/р	Объектнинг номи ва асосий мақсади	Объектнинг манзил рақами	Объектнинг иссиқлик киритгич рақами	Юклама, Гкал/соат				Иш соатлар сони			
				х/к иситиш	х/к шамоллатиш	Иссиқ сув таъминоти	Техноло-гик	Шамоллатиши	ИС Т	Техноло-гик	Ташқи хажм кв.м
	А) истеъмолчи										
	Б) субистеъмолчи										

Объектлар сони _____

Истеъмолчининг иссиқлик юкламалари объектнинг қурилиш лойиҳасига мослиги.

Истеъмолчининг бўлим бошлиғи _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

**Иссиқлик таъминоти
корхонасининг ходими**

_____ (Ф.И.Ш.) (имзо)

Истеъмолчининг ходими _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Изоҳ: “Истеъмолчи” нинг битта объектида бир нечта иссиқлик киритгичи бўлса, уларнинг рўйхати алоҳида-алоҳида, объект бўйича юкламаларнинг якуний натижалари билан берилади.

**Иссик сув кўринишидаги иссиқлик
энергиясидан фойдаланиш тўғрисида
шартномага
3-илова**

Ҳ И С О Б – Ф А К Т У Р А

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун

Ҳ И С О Б - К И Т О Б

20 ____ йил “ ____ ” _____ -сонли

Шартнома тузилган сана ва рақами _____

тўловчи _____
(номи)

Тўловчининг ҳисоб-рақами _____ СТИР _____

Тўловчининг банки _____ Банк коди _____ олувчи

(номи)

Олувчининг ҳисоб рақами _____ СТИР _____

Олувчининг банки _____ банк коди _____

Т/р	номи	Ўлчов бирлиги	Сарфи	Нархи	Суммаси
	Иссиқлик энергияси	Гкал			
	Жами тўлов учун	сўм			

Иссиқлик таъминоти
корхонасининг ходими _____ М.Ў _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Истеъмолчининг ходими _____ М.Ў _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

**Иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик
энергиясидан фойдаланиш тўғрисида
шартномага
4-илова**

Х И С О Б О Т

20__йил _____ ой учун

Кўрсаткич олинган кун 20__йил. “___” _____

/п	Ҳисобга олиш прибори тури (ҳисобга олиш прибори номи, тури, завод рақами ва ҳ.к)	Тармоқ-қа узатилаётган сувнинг сарфи тн.	Тармоқдан қайта ётган сувнинг сарфи тн.	Тармоққа узатилаётган сувнинг харорати t	Тармоқдан қайта ётган сувнинг харорати t	Бирламчи (исходный) сувнинг харорати t	Иситишга ишлатилган иссиқлик энергияси Гкал	Иссиқ сув таъминоти учун ишлатилган иссиқлик энергияси Гкал	Жами ишлатилган иссиқлик энергияси Гкал

**Иссиқлик таъминоти корхонасининг
ходими**

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Истеъмолчининг

ходим

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

